

## Ўзбекистон Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарини қабул қилди




Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 май қуни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва БМТ, ушбу нуфузли универсал халқаро ташкилот институтлари, шу жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасида амалий ва очиқ мулоқотни янада ривожлантириш ва мустахкамлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналиши экани қайд этилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича самарали қонунчилик тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бир қаторда 16 кодекс ва 400 дан ортиқ қонунчилик хужжати қабул қилинган. Парламент Омбудсмани ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолият кўрсатмоқда, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича судга дахли бўлмаган янги механизм – Бизнес-Омбудсман ташкил этилди.



Яқинда тасдиқланган ва моҳиятига кўра БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг "йўл харитаси"га айланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ҳукуқий давлат ва қучли фуқаролик жамияти қуришни такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар дастури белгиланган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз инсон ҳуқуqlари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг ўнта шартномасига қўшилган. Бугунги кунда ушбу ҳужжатларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича фикр алмашилди.

Зайд Раад ал-Хусайн Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул, Ўзбекистонда инсон ҳуқуqlарини ҳимоя қилиш масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани ва бу борада амалий чоралар кўрилаётгани учун миннатдорлик билдириди. БМТ Инсон ҳуқуqlари бўйича Олий комиссари бошқармаси Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва тизимли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлadi.

[ЎзА](#)